

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1129-ҳадис

1129 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُعَتْيَنِ
قَبْلَ الظُّهُرِ، وَكُعَتْيَنِ بَعْدَهَا. مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 1165، م 729 وسبق برقم 1114].

1129. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга пешин(нинг фарзи)дан олдин ва кейин икки ракат намоз ўқидим», дедилар”.

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг шарҳи 1114-рақамли ҳадис остида келтирилган.

Бошқа ривоятда куйидагича келган:

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пешиндан олдин икки ракъат, ундан кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат, жумадан кейин икки ракъат намоз ўқидим. Шом, хуфтон ва жумага келсак, (уларнинг суннатларини) Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга уйларида ўқидим». (Имом Муслим ривояти).

Ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур ўн икки ракъат ривотиб суннат намозлар борасида имом Термизий ривоят қилган қуйидаги ҳадисга таянганлар: «Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким бир кечакундузда ўн икки ракъат намоз ўқиса, жаннатда унга бир уй қурилади: пешиндан олдин тўрт ракъат ва ундан кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат ва бомдоддан олдин икки ракъат».

Манба: hadis.islom.uz

